

5 office Yangiobod street, Fergana, Uzbekistan, 150100.
Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (99) 851-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz E.mail: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

Аудиторлик хулоса № 33
(Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича хулоса)

«ANGREN LOGISTIKA MARKAZI» АЖ
кузатув кенгаши ва акциядорларига

Сана; 25 март 2024 й

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Аудиторлик ташкилотининг номи: МЧЖ «TTT-Audit» АТ (матнда – “Аудиторлик ташкилоти”)
Хуқуқий манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Янгиобод кўчаси, 5-чи уй
Телефон: (91) 651 80 13; (95) 400 80 13
Давлат рўйхатидан ўтганлиги: Адлия вазирлигида 1997 йилнинг 12 майида давлат рўйхатидан ўтган. Рўйхат рақами №335
Аудиторлик ташкилоти: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Лицензияси: Лицензияси АФ № 00773 05.04.2019 йилда берилган.
Профессионал масъулиятни суғурта полиси: Суғурта полиси «DD General Insurance» МЧЖ шаклидаги суғурта компаниясидан берилган. 2023 йилнинг 09 ноябрда 0530/1306/1/2300310-001-сон билан рўйхатга олинган.
Банк ҳисоб рақами: 2020 8000 2009 2188 6001
Банк номи: «Trust bank» ХАБ Фарғона шаҳар. Банк коди 00491
СТИР: 202 216 926
ҚҚС тўловчисининг регистрация коди: 330050137061
Бош директор, бош аудитор: Ботиров Махаммад Ҳошимович, аудиторнинг малака сертификати 05052-сон, 2012 йилнинг 25 августидан берилган (2032 йилгача узайтирилган)
Аудитор: Расулов Абдурашид, малака сертификати 05998-сон, 2022 йилнинг 21 август кунинда берилган
Аудит учун асос: 2023 йилнинг 16 ноябридаги 64-сон шартнома
Текширув даври: 01.01.2023й.- 31.12.2023й.
Текширувни тугатиш санаси: 25 март 2024 й.

Фикр

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош аудитори Расулов А томонидан «ANGREN LOGISTIKA MARKAZI» МЧЖнинг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалари, капитал ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Биз жамиятнинг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботи, “Хусусий капитал”даги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботи, “Пул оқимлари



тўғрисида”ги ҳисоботи, шунингдек “Ҳисоб сиёсати”ни аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС-700) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Професионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч, ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолатли эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик risksи хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик risksидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

- жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- кўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар жамият фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек **“ANGREN LOGISTIKA MARKAZI”** АЖ Корпоратив бошқаруви учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош
директори, бош аудитор:

М.Х Ботиров

Бош аудитор



(Аудитор малака сертификати № 05052
Молия вазирлигидан 25.08.2012 йилда берилган.)

А.Расулов

(Аудитор малака сертификати № 05998
Молия вазирлигидан 21.08.2022 йилда берилган.)

Сана: 25 март 2024 й
Фаргона Узбекистан